

ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

5-ЙИЛ ЧИКИШИ
№ 171 (1175)
29
АВГУСТ
ЖУМА
1958 ЙИЛ
БАҲОСИ
20 ТИЙИН

Фестиваль Кўрамалиги

29 АВГУСТДА

- ◆ Киши «Ватан» кинотеатрида Тайланднинг «Ака-акалар» ва Туркманистоннинг «Махсус тошпирик» номли бадиий фильмлари кўриқдан ўтказилади.
- ◆ Кечқурун ёки «Искра» кинотеатрида Бирлашган Араб Республикасининг «Ҳамид Ибн Абд Валид» номли бадиий фильми кўриги бўлади.
- ◆ Фестиваль делегатлари адабиётчилар Уйда Ўзбекистоннинг ёзувчилари ва журналистлари билан учрашадилар.
- ◆ Меҳмонларнинг илтимосига кўра телестудияга борилади.

Хотин-қизлар ўртасида сиёсий-тарбиявий ишларни кучайтирайлик

Совет хотин-қизлари мамлакатимизда коммунизм қуришдан иборат улутвор вазифани бажаришда эркаклар билан ёнма-ён туриб икки шаклда меҳнат қилмоқдалар. Хўжалик, фан ва маданиятнинг, иқтисодий-сиёсий ҳаётнинг шонли хотин-қизларимиз қатнашмаган ва ўз самарали меҳнатлари билан муносиб ҳисса қўшмаган бирорта ҳам соҳаси йўқ. Улар завод ва фабрикаларда мураккаб машиналарни моҳирлик билан бошқармоқдалар, колхоз ва совхоз далаларида, филдорлик кўрсатиб ишламоқдалар, институт ва университет кафедраларида турли даража бермоқдалар, лаборатория столлари ёнида ўтириб илмий иш билан шуғullanмоқдалар, адабиёт ва санъат соҳасида баракали иш қилмоқдалар, партия ва давлат ишларида актив қатнашмоқдалар.

Тинчлик учун, ёш авлоднинг бахт-саодати ва ғалабаси учун курашда ажойиб мардик, дов-юраклик, жасорат ва меҳрибонлик намуналарини кўрсатган хотин-қизларимизнинг ҳаммаги ва филдоркорона меҳнати юксак баҳолагарга эришмоқдалар.

Партия ва ҳукуматимизнинг милдонларча хотин-қизларни ижтимоий-сиёсий ишларга, давлати идорани қилиш ва ишлаб чиқаришни бошқаришга, илгор социалистик маданиятга жалб қилиш тўғрисида қилган дониш тамҳуриликларни туғайтирилган талантлари, ажойиб ташкилотчилик қобилиятлари бу кунда келди ва барқ уриб ўсиб кетди. Ҳақиқий коммунистик жамият қуришда эришган оламшумул муваффақиятлари совет хотин-қизларининг актив иштироки ва ўша кунда фаолияти билан чамбарчас белланган.

Областимиздаги санъат корхоналари ва дуняшларда, колхоз ва совхозларда, мактаблар ва олий ўқув юрталарида, илмий-текиннинг, маданий-оқаруғ ва соғлиқни сақлаш муассасалари ҳамда санъат шохчаларида илмларча хотин-қизлар муваффақиятли ишлаб турибди. Уларнинг овози давлат ҳокимиятининг олий органилари, меҳнаткашлар депутатлари маҳаллий Советларнинг сессияларида жарағлаб эшитилмоқда.

Хотин-қизларнинг хўжалик, маданий ва иқтисодий-сиёсий ҳаётнинг барча соҳаларида катта куч бўлиб қолганликларини исбот қилиб ўтиришнинг эндиликда сира ҳолати йўқ. Буни яхши тушушган маҳаллий партия ва совет ташкилотлари хотин-қизлар ўртасида сиёсий-тарбиявий ишларни кучайтириб, уларни ишлаб чиқаришга кенг жалб этиш, иқидий ташаббусларини ошириш, меҳнат ва турмуш шарафини яхшилаш тўғрисида ҳамма тамҳурилик қилиб келмоқдалар.

Фрунзе районидида кўпгина санъат корхоналари ва муассасаларида хотин-қизлар ўртасида олиб борилаётган сиёсий-тарбиявий ишлар кейинги вақтларда бирмунча яхшиланди, уларни ишлаб чиқаришга жалб қилиш, маданий ва сиёсий саъйияларини ошириш ишларида алоҳида эътибор берилди. Хотин-қизлар ўртасида сиёсий-тарбиявий ишларни бошқаришнинг маҳаллий ингалари ҳамда ишлаб чиқариш илгорлари бўлган хотин-қизлар билан учрашувлари уюштирилмоқда.

Лекин шунга қарамай областимизда айрим партия ва совет ташкилотлари хотин-қизлар ўртасида сиёсий-тарбиявий ишларни олиб боришга, уларни тарбиялаб раҳбарлик лавозимларига кўтаришга, нормал иш шартини яратиб беришга ҳали ҳам юзаки қарамоқдалар.

Шуни ҳам эътироф қилиш керакки, хотин-қизлардан колхоз, совхоз раҳбарлари ҳали жуда кам. Масалан, биргина Янгийўл районини олиб кўрайлик. Шундай йилда бир районда хотин-қизлардан битта ҳам колхоз раиси йўқ. Бригада ва звено бошлариди ҳам кейинги йилларда аяча камайиб кетди. Район колхозларида 135

Ҳосилга-ҳосил қўшиш ишини қизғин давом эттириб, пахта йиғим-теримига ҳам пухта тайёрланайлик!

Тўқ кўсақларни кўпайтириш учун

МИРЗАҶУЛ. Яшил квадратлардаги гўзаллар шабадада тебраниб, кўзларини қувонтириди. Бу Карл Маркс номли колхознинг коммунист ўртоқ Н. Абдуллоев бошлиқ бригадасига қарашли гўзаллар. Пахтакорлар механизаторлар билан ҳамкорликда 70 гектар майдонда мўл ҳосил етиштирмоқдалар. Илгор механизатор ўртоқ Н. Қўшбеков гўзаларни узунасига сиёсатли культивация қилмоқда.

Ҳозир ҳар тун гўлада 9-10 тадан тўқ кўсақ санаш мумкин. Бригада аъзолари гўза парварини ҳозир ҳам қизғин давом эттириб, ҳосилга яна ҳосил қўшиш учун курашаётдилар.

Л. Абдувоҳидов.

ОРҶОНИКИДЗЕ. Ленин номли колхоз аъзолари Кремда олинган юксак мажбуриятни бажариш мақсадида 780 гектар еринг ҳар гектаридан 42 центнердан ҳосил етиштириш учун курашмоқдалар. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ф. Қодир шунингдек Ю. Разақов, А. Шерматов, Э. Ғамбардиев ва Б. Нурибоев ўртоқлар бошлиқ бригадаларда гўза парварини ҳозир ҳам қизғин давом эттирмоқдалар. Бу бригадаларнинг меҳнатсевар аъзолари мажбуриятни қўлайдиган даражада ҳосил етиштирган бўсалар ҳам ҳосилга яна ҳосил қўшиш тadbирларини амалга ошириштирлар.

Шунингдек райондаги Киров номли колхозининг Ф. Пўлатов раҳбарлик қилаётган бригадаси аъзолари ҳам 74 гектар ерда, айниқса гўзалари эвадларга қўлайлиқда парварини қилинётган майдонда юқори ҳосил етиштирмоқдалар.

М. Ҳасанов, Н. Ортиқов.

ВЕРХНЕ-ВОЛИНСК. Сталин номли ўрта мактаб ўқувчилари «Қизил Октябрь» колхозидан 81 гектар ерда, 31 гектарига чинг ва 50 гектарига маккақўроғи ердан олилар. Уқувчилар ўқутувчи ўртоқ У. Оқилмурод раҳбарлигида гўза парварини намуналай уюштириб, ҳар гектаридан 40 центнер ҳосил етиштириш учун курашаётдилар.


Мусаев Мурод, Раҳимов Ислом ва каби илгор ўқувчилар гўза парваринида кўпчилиқча ўртак бўларли иш қилдилар.

Х. Сағизов, К. Умматов.

ОҚЎРҒОН. Ўртоқ Команда Давлатов бошлиқ бригада Ворошилов номли колхознинг юқори ҳосилли ва илгор бригадаси ҳисобланади. Бригада аъзолари илг баҳордан буйгайрат билан ишлаб, гўза парваринида яхши натижаларга эришдилар. Шу кунгача 75 гектар ерда гўза тўрт марта комплекс парварини қилинди. Натижада ҳар тун гўлада 8-10 тадан кўсақ етишти.

Моҳир механизатор М. Фахридолов, миришкор суғиллар А. Ботиров, М. Султонов ўртоқлар куллик тошпирикни ошириб бажариш билан илгорнинг сифатига алоҳида эътибор бермоқдалар.

М. Ойдинов.



1-«Боёвут» совхозининг 2-бўлими ишчилари шу кунларда ҳам гўза парварини қизғин давом эттирмоқдалар. Бўлининг моҳир механизатори ўртоқ Маматқул Шодиев август ойида қўшиш равишда 250 гектар ерда гўзани культивация қилиш мажбуриятини олган эди. У яна шу юксак мажбуриятни орғини билан бажариш учун курашаётди. Суратда: ўртоқ Маматқул Шодиев гўзани культивация қилаётди. М. Устабоев фотоси.

Яна атанг демайдиган иш қилиш керак

Зааро текшириш бригадаси соҳа тавдига мусобақадор Анджион областига бориб келган Верхне-волинск районидидаги Карл Маркс номли колхознинг раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони ўртоқ Қодирқул Султонов келган куник далалари айланиб, олиб борилаётган ишларни бийма-бир текшира бошлади.

Мана, ўртоқ Шопонқулов бошлиқ бригаданинг пахта далалари. Гўзалар бўлиб қилиниши кини билан тенг. Кўсақлари гул-гул. Равс 1, 10, 11-бригадаларнинг гўзасини ҳам бирма-бир кўздан кеңдири. Бу бригадаларнинг гўзалари ҳам ҳосилдорлиқда бир-бирдан кам фарқ қиллади.

Биз раис билан йўлда кетатганимизда у 9-бригаданинг гўзаси тут бўлан тенг деди. Шу бригаданинг гўзасини кўргани ботганимизда унинг ячига кириб бўлмади. Бундан хижолат тортган раис ўзинча «барвақт сув қўйиб юбюрлибид» деб қўйди. Ҳақиқатдан ҳам бригадда сугорилган агро-техникасининг қондаси бузилган.

Сизнинг гўзаниз билан анди-жонлик ўртоқларинг гўзаси ўртасида қандай фарқ бор? — суғилдик биз.

Мен Анджион областининг Мархамат, Ленин, Жаладуқк ва бошқа районларида бўлидим. — деб жавоб бера бошлад раис. — лекин бизникида бўйча, бўлиқ гўзаларни кўрмадик. Уларнинг гўзасининг бўйча паст-у, лекин кўсаринида ишлагилатган, тракторлар сони ҳам, одамларнинг сони ҳам, шунга мувофиқ қилинётган ишларнинг кўлами ҳам аяча каммайиб кетди.

— Қимми пахтамаиз тезроқ очилсин деса гўзасини яна бир марта чиник қилиниш керак. — дейди Свердлов номли колхозининг тажрибали бригад бошлиғи ўртоқ Саид

гўза қаторларини оралаб, ҳосил ту-гуначаларини текшира бошлади.

— Қайтадан чеканка қилмасак, гўзаларимизни бироз шомоллатмасак бўмайдиғанига ўхшайди. — ин-ҳоят жавоб бера бошлад раис. — бизнинг гўзаниз андижонликларининг гўзасига қараганда кам дегани-да 10-15 кун ривожланишдан кечиккан.

Верхне-волинск районидида илгор ҳўжалиқлар пахтадан мўл ҳосил етиштириш учун филдоркорона меҳнат қилмоқдалар. Бу соҳада Карл Маркс номли колхоз аъзолари ҳам яхши натижаларга эришаётдилар. Колхоз гўза парварини соҳасида олингиллар қаторида бормоқда. Бироқ шунга ҳам айтиш керакки, колхозининг баъзи бир бригадаларида гўзалар ҳали ети, яна 10-15 кун эъри бериб парварини қилишни талаб қилади. Энг аячи ва ҳосилли сероб деб айтилган ерларда ҳам ҳали кўсақлар аячи етилмаган.

Хўш, шундай экан шу кеча-кундузда қандай тадбирларни амалга ошириш керак? Билинганча ўртоқ Султонов айтганидек говлай бошлаган гўзаларни қайта чеканка қилиш лозим. Максим Горький номли колхозининг раиси ўртоқ Раҳимов айтганидек ҳозирги пайта гўзалар шомоллатиб туривса ҳам натижа экон бўлмайди.

Умуман олганда районда 500 гектарга яқин ерда гўзанинг аячи паст. Лекин шунга қарамай сўнгги кунларда бу ерда гўза парваринида ишлагилатган, тракторлар сони ҳам, одамларнинг сони ҳам, шунга мувофиқ қилинётган ишларнинг кўлами ҳам аяча каммайиб кетди.

— Қимми пахтамаиз тезроқ очилсин деса гўзасини яна бир марта чиник қилиниш керак. — дейди Свердлов номли колхозининг тажрибали бригад бошлиғи ўртоқ Саид

боёв—бригаданимиз аъзолари ана шунга амал қилиб, шу кеча-кундузда орқа томонга юриб, гўзани эриб чиник қилиштилар.

Бундай тажрибакор, уста дехдонларнинг ишдан ўртак олиб, барча ҳўжалиқларида пахтаининг тезроқ очилшини таъминаладиган тадбирларни амалга ошириш лозим.

Ўтган йили худди шу кунларда районда «ҳосиллими мўл, иллагиди ошиб-тошиб кетиди» деган гаплар тарқалган эди. Лекин йил охирида натижа кўтилганда бундай чиқмади. Кўп кишилар хижолат бўлди, бир қанча пахтакорларнинг боши қўйи солиди. Илган бақарилмади. Ҳосилнинг анчагина қисми қор остинда қолиб пудуб бўлди. Бу аячиқ ҳақиқат ҳали райондаги ўртоқларнинг эсалардан чиқмаган бўлса керак. Бу йил ҳам шундай ҳўзалининг мўл бермаслиғи учун шу кунларда филдоркорона меҳнат қилиш, гўза парварини пахта йиғим-терими бошлангунга қадар давом эттириш, шу билан бирга теримга ҳам пухта тайёрлаб кўриш лозим.

Лекин районда йиғим-теримга тайёарлик ишлари аячи бораётди, деб бўлмайди. Жумладан, район бўйича 140 та бригад хирмони, 40 та асфальтланган марказий хирмон тахт қилиниши керак. Шундан ҳазиргача 96 та бригад хирмони, 3 та асфальтланган марказий хирмон тайёр бўлган, холос. Пахта ташинида иллагиланиши лозим бўлган 83 та антомашинанинг лозим бўлган йўқ. РТС бу машиналарни керакли қисмлар билан таъмирлаш чораларини қилмаётди.

Район пахтакорлари ўтган йилгидек илларини қизартимаслик учун темирин қизғинда босиллар, шу кунларда отни қамчиланган керак.

Б. ҲАЛИЛОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг муҳбири.

Август ойи графиги бажарилди

Сирдарё районидида «Малик» совхозининг П. Багиров бошлиқ 2-бўлими ишчилари ҳозир ҳам гўза парварини қизғин давом эттирмоқдалар. Улар самарали меҳнат қилиб, ўзларига бикритилган 500 гектар ердаги гўзаларни беш марта узунасига ва 3.5 марта қўндалангига сифатли культивация қилишлар, уч марта қондириб сугордилар ва оқилантирдилар.

Август ойи ичида ўсинган орқад қолётган 50 гектар ердаги гўза аячиқса ниқат билан парварини қилинди. Бунда Хайдар Суҳонов, Олид Аҳмедов ўртоқлар бошлиқ бригадаларинг аъзолари, айниқса, филдоркорона меҳнат қилдилар. Ҳозир бу бригадаларнинг гўзаларида сентябрь ойи ичида қўши бўлиб оқиланган 6-7 тадан тўқ кўсақ санаш мумкин.

Бўлида хизмат қилаётган М. Галимов, Т. Фахлулов, С. Сейтеметов ўртоқлар каби механизаторлар ўз универсалларининг ёш томонидан илгич оргалларини олиб ташлаб ва тўғилар ўрнатиб, ҳозир ҳам кунига 11-12 гектардан ердаги гўзани культивация қилмоқдалар. Уларнинг ҳар бири ҳазиргача 1100 — 1250 гектар ердаги гўзага ишлов берди.

Бўлим маъмурияти август ойида гўзани сифатли парварини қилиш учун қўшмача равишда 60 ки-шини дала ишларига жалб этди. Натижада август ойида белгиланган график орғини билан бажарилди.

Х. ИШОНБОВ.

Гектаридан 60 центнердан ҳосил етиштириш учун

Мадали отани Ўрта Чирчиқ районидида ҳамма таниди. У, пахта етиштиришда ўзининг самарали меҳнати билан кўпчиликнинг ҳур-матига сазовор бўлган, илгичи кўзини билдирган миришкор дехдон. Мадали ота бир неча йилдан бери Кўйибшев номли колхозда звено бошлиғи бўлиб ишлайди. Ёши 70 дан ошганлигига қарамай ҳали жуда бақувват. У бошлиқ звено бутун 16 гектар ерининг ҳар гектаридан 59 центнердан ҳосил топширган эди. Бу йил эса ҳар гектар ердан 60 центнердан ҳосил етиштириш учун кураш олиб бориламоқда.

Мўл ҳосил оsonликча мзага келмайди, кутг билан, гайрат билан меҳнат қилиш талаб қилинади, — дейди Мадали ота. — Олган юксак мажбуриятини бажармай деган дехдон айни шу кунларда ҳам худди сарафовларидек ишлайи керак. Агар гўзанинг қўнғига мағрурланиб, илгичи оқина бўлса ҳам бўшаширган дехдон ҳосилни бей беради. Шунинг учун ҳам биз гўза парварини 10-15 сентябргача қизғин давом эттиришга қарор қилдик.

Мадали ота бошлиқ звено даласида ҳақиқатан ҳам иш қизғин. Звено аъзолари кўрам қилиб безатилган дала шийпонига тунаб қолди. Гўза парварини қизғин давом эттирмоқдалар.

Х. ШОНИРОВА,
Т. АҲМЕДОВ.

ШАХТЁРЛАР КУНИ ОЛДИДАН



Оҳангарондаги 9-шахтанинг ўртоқ Шашков бошчилигидаги навалотбойчилар бригадаси шахтёрлар куни шарафига бошланган социалистик мусобақига қўшилиб, сменда ва ойлик ишлаб чиқариш тошпирикларини мунтазам ошириб олд этмоқда. Бригада навалотбойчилари шу йилнинг ўтган ойлари ичида илган қўшмача равишда қарийб 3.5 миң тонна кўмир қазиб чиқардилар. Суратда (чандан ўнган): бригада навалотбойчилардан А. Пляханов, А. Ранжқулов, В. Шин, И. Тожибоев, А. Ажабуллаев, бригада бошлиғи А. Шашков, А. Эюпов, Ж. Ашуралиев ва А. Рузиматов ўртоқлар.

Ўртоқ Н. А. Муҳитдинов Тошкентга келди

КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, МНОС Марказий Комитетининг секретари ўртоқ Н. А. Муҳитдинов 28 августда Тошкентга келди.

Тошкент аэродромида ўртоқ Н. А. Муҳитдинов Н. П. Бизов, Г. А. Ғабриелани, Р. Ғ. Ғулломов, С. Ғ. Камолов, Н. С. Нуриддинов, Ш. Р. Рашидов ўртоқлар ҳамда республика партия ва совет оргалларининг бошқа раҳбар ходимлари кулиб оқидилар. (ҒЗАТА).

БИЛДИРИШ

Қўйчиликни ривожлантириш бўйича республика кеңашини шу йил 29 август эрталаб соат 10 да Навоий номидаги театр биносида очилди.

КОМИССИЯ

БУГУН ТОШКЕНТДА ҚҰЙЧИЛАРНИНГ РЕСПУБЛИКА КЕНГАШИ ОЧИЛАДИ

ҚҰЙЛАРИМИЗ КҮП, ЗОТЛИ ВА СЕРЖУН БҮЛСИН



Суратда: 1-«Оҳангарон» совхозининг кенг яйловлари. Моҳир чўпон Х. Ортиқов бу яйловда қўйларини семиртириб боқмоқда.

В. Салов фотоси.

Колхознинг улгуржи даромад манбаи



лотлари эвазига 1,5 миллион сўмдан ортиқ даромад олганини мўъжазлаштиради.

Партия ва ҳукуматимиз жамоат чорвачилигини тивмай ривожлантириш, унинг маҳсулдорлигини ошириш юзасидан катта ва муҳим тадбирлар белгиламоқда.

Ферма таркиб қилинган дастлабки вақтда 120 беш қўйимиз бор эди, ҳоло...

Биз совлиқларни ўз вақтида урчишти ва эгиз қўйи олиш йўли билан қўйларнинг сонини кўпайтириш...

Қўйчилик ривожланиши натижада гўшт, жун етиштириш улуғи кўпаймоқда.

Дондор чўпонимиз Жумановнинг меҳнати юксак баҳоланади.

Колхоз қўйчиликдан ўтган йилда 1 миллион сўмга яқин даромад олган эди.

Биз қўйчиларнинг республика кенгашида белгиланадиган тадбирларни тўла амалга ошириб...

Фермаимиз Келес массивидаги колхозларнинг фермалари орасида қўй олишда ҳам...

Биз қўйчиларнинг республика кенгашида белгиланадиган тадбирларни тўла амалга ошириб...

Ф. УМАРОВ.

Калинин районидagi Охувобоев ноиян колхоз қўйчилик фермасининг мудир.

Қаҳрамон чўпон

Дилрабо ўланлар тинглаб мен тазор Айлов оқшомида кезганман кўп бор.

Дилларни қитиқлаб сабо алгунча, То кулиб бонмунча оламга кўшиб, Бўрон-довулларга беролган бардош.

Чўпоннинг қайтиши

Яқинда шу Жудрук деб аталган жойдаги бу чўпоннинг уйда учрашув бўлиди.

Душабоевларнинг билан тоғлардаги яйловларга жўпан пайти келди.



Хотини ва фарзандларидан олишганини биланроқ янгради.

Хўш, Қолдибой у ерга борганида нимани таппасан?

Қолдибойнинг қуршаб ўтирганлар кенгаши яна тагирилишни зарур бўлган муҳим масалага қараб қўйди.

Х. БОСИТ.

Ютуқларимизни янада мустаҳкамлаймиз

Қўйчилик, айниқса, колхозларимизда яхши ривожланган. Бу йил план бўйича колхозлардаги қўйларнинг сони 29548 бошга етказилиши лозим эди.

Шунингдек биз бу йил давлатга 109700 килограмм жун етказиб беришни планлаштирган эдик.

Районимиздаги айрим колхозлар, чўпонлар ҳар 100 беш совлиқдан қўй олишда жуда яхши кўрсаткичларга эришдилар.

Лекин бу фактларга асосланган раёонимизда қўйчиликни ривожлантириш кўнглингиздек, деб бўлмайди.

Ушбу йилда қўйларнинг қишда қўйиларини яхши тарбия қилиш бўйича кўп ишлар қилинган.

Областимиз илгор районларининг чорвадорлари қўйчиликни ривожлантириш, ундан олинадиган маҳсулотларни йилдан-йилга ошириб бориш учун курашиб, дуруст натижаларга эришмоқдалар.

Кўп қўзи ва жун олиш учун курашамиз



Қўй-қўзилар ёйилиб ўлаб юрган бериши яйловлар, қир-адрларда бўлганимиз? Қўйчиликнинг чўпонлар билан ҳаммуносабат бўлиб кўрганлими?

Бугун республикамизнинг пойтахти Тошкент шаҳрида қўйчиларнинг республика кенгаши бўлиб ўтаётган.

Бирок, қўйлардан қўзи олиш, жун қирқиб олиш соҳасида қилаетган ишларимиз ҳали мени қаноатлантирмайди.

Яқинда СССР Олий Совети Президиуми республикада қўйчиликни ривожлантириш соҳасида эришган ютуқлари учун кўп кишиларни орден ва медаллар билан мукофотлади.

Областимиз чорвадорлари ички имкониятларни қийинчи топиб ва ишга солиб, қўйчиликни янада ривожлантиришга, ун қишлоқ хўжалигининг сердаромад тармоғига айлантиришга ҳаракат қилишлари лозим.

Зотли ва сергўшт қўйларни кўпайтирамиз

Қўйларнинг зотини яхшилаш колхоз хўжалигида ҳар жаҳатдан катта аҳамиятга эга.

Сўнги йилларда биз қўйчиликни ривожлантириш, унинг зотини яхшилаш, олинладиган маҳсулотни кўпайтириш, қўйчиликни колхозга катта даромад келтирадиган ҳолга келтириш ишга катта аҳамият бера бошладик.

1954 йилда зотли қўйларни кўпайтириш мақсадида 10 беш зотли линколни кўчирди келтирилади.

Линколни зотли қўйларнинг жайлари қўйлардан афзаллигини нимадан иборат? Матлугими, ростманга жайлари қўйларнинг тирек вази 60 килограмдан ошмайди.

Бугун республика чорвадорларининг кенгаши очилди. Бу кенгашда қўйчиликни ривожлантириш ва унинг маҳсулдорлигини оширишга қаратилган кўнглина масалалар муҳокама қилинади.

Ф. БОБОВЕВ.

Област икжроня комитети рясининг ўринбосари.

Инглиз матбуоти ХХР-нинг БМТдаги қонуний ҳуқуқларини эътироф қилишни талаб этмоқда

ЛОНДОН, 27 август. (ТАСС). Инглиз матбуоти Узоқ Шарқдаги аҳолига қатта эътибор бермоқда. Газеталар чанкайишчиларнинг Хитой Халқ Республикасига нисбатан иттифоқдорларнинг қўллаб-қувватлаётган америка маъмуриятининг сиёсатини танқид қилмоқдалар.

«Дейли мисс» газетаси Тайвань бўғозидagi ҳозирги аҳоли бутун дунёда тинчликка ҳавф туғдираётганини таъкидлаб, қўндаликларини ёзди: «Чан Кай-ши қўшунларини Буюмчи ва Маичу ороларидан олиб чиқиб кетиш — масалани ҳал этганининг бирдан-бир тўғри йўлидир». Газета Хитой Халқ Республикасига унинг Бирлашган Миллатлар Ташкилотидagi қонуний ўрнини бериш зарур эканлигини таъкидлайди.

Жазоир озодлиги миллий fronti вакилининг баёоти

БОХИРА, 27 август. (ТАСС). Жазоир озодлиги миллий fronti муваффақлаштирувчи-ижроия комитетининг кеча Қоҳирага келган аъзоси Фарҳод Аббос МЕН агентлигининг мухбирига қўндаликларини айтди: Жазоир озодлиги миллий fronti Франсиянинг лиги конституцияси масаласи юзасидан француз маъмурият томонидан белгилаган референдуми ва унинг натижаларини эътироф қилмайди, чунки референдум Жазоир халқининг маърифатларига қарши қаратилган. Жазоирдаги аҳоли тўғрисидаги масала, деди Аббос, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг навбатдаги сессияси муҳокамага қўйилди. Шу мақсадда Жазоир озодлиги миллий fronti делегацияси Нью-Йоркка юборилди.

«Империалистларнинг навбатдаги найранги»

БАҒДОД, 26 август. (ТАСС). Бағдода чиқадиган «Ал билал» газетаси Иордания бosh министри Риёвнинг, Иордания ҳукумати «барча араб мамлакатлари билан битмига келмоқчи» деб айтилаётган гапни танқид қилмоқда. Газета, Риёвнинг бу гапни Яқин Шарқда ўз позициясини мустаҳкамлашга интилаган империалистлар томонидан қилинган навбатдаги найрангининг натижасидир, деб ёзмоқда.

Тажриба шунни кўрсатадики, деб баъзи газеталар, бир қисми эркин, иккинчи қисми империалистлар ҳукмронлиги остида турган икки гуруҳи мамлакатлар мавжуд экан, араб дунёси ичида ивоқлик бўлишига эришиш мумкин эмас. Бундай шароитда эркин араб мамлакатлари ҳамма империалистларнинг янги фитналарига дуч келиш ҳавфи остида тураверадилар.

ИРОҚ-ЯМАН АХБОРОТИ

БАҒДОД, 27 август. (ТАСС). Газеталарда эълон қилинган Ироқ-Яман қўшма ахборотида бундай дейилади: 22—26 августда Бағдода Яман валиаҳд шаҳзодаси бош министр Урибосари Муҳаммад Абдул ва Ироқ Республикасининг бош министри Абдул Карим Қосим ўртасида олиб борилган музокаралар арабларнинг қардошлиги ва тамоияла ҳамжиҳатлиги руҳида ўтди.

Хар иккала томон мавжуд шартномалар ва битимларга ҳамда биринчи навбатда араб мамлакатлари иттифоқи принципларига ва араб давлатларининг коллектив ҳавфсизлик пактига содиқ эканликларини таъкидлади. Томонлар халқроқ сиёсат соҳасида ҳамкорлик қилиш, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Уставини ва бутун дунёда

тинчлик ишини қўллаб-қувватлашга қатъий қарор берганиларини билдиридилар.

Ахборотнинг охирида араб миллатининг ороу-тилаклари амалда олиниши ва «буюк араб ватани» бирлаштирилди, деб ишонч билдирилди.

Газеталар бу ахборотни шарҳлаб, ахборот арабларнинг бирдмаллиги руҳи билан суғрилганлигини таъкидламоқдалар. «Алжумҳурия» газетаси ёзди: бу ахборот «империалистлар ва уларнинг Исроилга қўриқочлари хавф туғдираётган бир пайтда овоз араб мамлакатларининг кучларини мустаҳкамлайди».

Бағдода ўтказилган музокаралар, деб баъзи «Албилал» газетаси «хали овоз бўлмаган араб мамлакатларининг ўз овозини йўллага курашини янада кучайтиради».

АҚШнинг ҳарбий кемалари ва денгиз пйёда аскарлари Сингапурдан чиқиб кетди

ПЕКИН, 27 август. (ТАСС). Синхуа агентлиги Сингапурдан олинган хабарларга асосланиб қўндаликларини билдиради: бутун дунё халқларининг қатъий норозилик билдиришга натижасида Америка қўмондонлиги кеча ўзининг саккизи ҳарбий кемасини ва 2 мингта яқин денгиз пйёда аскарларини Сингапурдан олиб чиқиб кеттишга мажбур бўлди. Ана шу ҳарбий кемалар ва денгиз пйёда аскарлари ивоқдорлик мақсадида икки ҳафта муқаллам Сингапурга келган эдилар.

АҚШ ТАЙВАН РАЙОНИДАГИ ВАЗИЯТНИ КЕСКИНЛАШТИРМОҚДА

ПЕКИН, 27 август. (ТАСС). Синхуа агентлиги билдиради: АҚШ Тайвань районидаги вазиятни ҳар қандай йўл билан кескинлаштирмоқда. Бу эса мамлакатининг оёқининг таътига қадий ҳавф туғдиради.

Ассошиэтед Пресс агентлигининг билдиришича, Америка еттичи флотининг қўмондони Уоллес Бикли Иокосукада (Япония) АҚШ ҳарбий денгиз флоти ва хон чанкайишчилар тўдасининг флоти сентябрь ойининг бошларида Тайваньнинг жанубий қисмига фаналога қўшма маневрлар ўтказганини айтган. Ана шу маневрлардан кузатишга мақсад, деди Бикли, бирликлда ўтказилган ҳарбий операцияларда Америка қўшинлари ва хон чанкайишчилар тўдаси қўшинларининг жангдорлик қобилиятини оширишдан, бирликлда ўтказилган ҳарбий операциялар техникаси ва принципларини ишлаб чиқиб ҳамда яхши-лашдан иборат. Яқинда ўтказилган маневрлар, деди ў, бир томондан, АҚШ ҳарбий денгиз флоти ва денгиз пйёда аскарлари билан, иккинчи томондан, хон чанкайишчилар флоти ва қўшинлари ўртасидаги маҳкам

алоқани янада мустаҳкамлаш мақсадини ҳам кўзда тутди.

АҚШ мулоҳаза министриги Тайвань бўғози районида рўй берган вазият муносабати билан АҚШнинг еттичи флотига ва Американинг Узоқ Шарқдаги бошқа ҳарбий денгиз кучларига «ахтир юзасидан нормал таъбирлар» кўриш ҳақида кўрсатма берилди, деб 24 августда эълон қилди. Еттичи флотига америка мухбирининг эътиҳоти, америка самолётлари ва кемалари Хитой қирғоқларидан кўп деганда 12 инглиз миласи нари турибдилар.

АҚШнинг Япониядаги ҳарбий денгиз кучлари қўмондони Ф. Уиттингтон Иокосукада, ўз қўмондонлигини остига бўлган ҳарбий кемалар ва ҳарбий хизматчилар жангга тайёр ҳолда турган, деди.

Вашингтондан хабар беришарича, АҚШнинг Узоқ Шарқдаги бошқа ҳарбий денгиз кучлари ҳам жангга тайёр ҳолда турибди. Япония, Филиппин ва Гавайи оролларидаги портларда турган америка ҳарбий кемалари еттичи флотга маъдал ишун бориш тўғрисида буйруқ берилиши эҳтимоли бор.

Тайвань районида Американин ҳарбий тайёргарлиги

НЬЮ-ЙОРК, 27 август. (ТАСС). Уайттед Пресс Интернейшнл агентлигининг Тайбейдан билдиришига қараганда, бутун бу ерда америка ҳарбий денгиз ва ҳарбий ҳаво кучлари олий қўмондонлигининг вакиллари кенаш ўтказдилар. Кенашда АҚШ 7-флоти ва 13-авиацияшумламасининг қўмондонлари, шунингдек

Тайвань районидаги америка кучларининг қўмондони вице-адмирал Роланд Смут қатнашмоқда.

Америка ҳарбий денгиз кучларининг Манайлаги вакили, Вашингтондан олинган буйруқларга мувофиқ Американин Филиппиндаги иккита ҳарбий денгиз базаси жангга тайёр ҳолга келтирилган, деди.

ХАММАРШЕЛЬД АРАБ ШАРҚИГА КЕЛДИ

БАЙРУТ, 27 август. (ТАСС). Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг бош секретари Хаммаршельд кеча Ливанга келди.

ЛОНДОН, 27 август. (ТАСС). Рейтер агентлиги мухбирининг Уммондан хабар беришича, БМТ бош секретари Хаммаршельд бугун Иорданияга келган.

АМЕРИКА ҚЎШИНЛАРИ ЛИВАНДАН ОЛИБ ЧИҚИВ КЕТИЛИШ

БАЙРУТ, 27 август. (ТАСС). «Телеграф» газетасининг билдиришича, Ливан республикасининг янги президенти генерал Шехоб Шамун билан учрашган вақтида Америка қўшинларини Ливандан олиб чиқиб кетиш тўғрисида АҚИМ ҳукуматида расмий суратда таклиф қилини талаб этган.

Газетанин яна ёзишча, генерал Шехоб Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси фақулда махсус сессияси қарорининг БМТ бош секретари Хаммаршельд томонидан пухта бажарилиши зарур эканлиги тўғрисидаги масалани Шамун билан бирга муҳокама қилган.

ЛИВАНДА АМЕРИКАЛИКЛАРНИНГ ИҶВОГАРЛИГИ

БАЙРУТ, 27 август. (ТАСС). «Телеграф» газетаси билдиради: Америка қўмондонлиги Ливанда Ливан қўболончиларига қарши ивоқдорлик ҳаракатларини давом эттирмоқда.

Американин ҳарбий маъмуриятари Ливаннинг пойтахти Байрутда ана шу мақсадда қўболончилар икти-бидига позицияларга бевосита ақин жойла танк бўлималарининг маневрларини ўтказмоқда.

Газетанин хабар беришича, қўболончиларининг вакили америкаликларнинг ҳаракатларини Ливандан қўболончи халқ кучларига қарши ошкора ивоқдорлик деб ҳисоблаган ва америкаликларнинг ўзлари ишол қилиб турган пунктлардан чиқиб кетишларини Ливан армиясининг қўмондонлигидан талаб қилган.

БАЙРУТ, 27 август. (ТАСС). Ливандаги америка қўшинлари қўмондонлигининг расмий ахборотида айтилишича, 27 августдан бошлаб Халдедаги халқроқ аэродромда парашют десантларини тушириш машқлари ўтказилди.

Бу машқлар, дейилади ахборотда, Ливандаги парашютчи қисмларнинг ҳаммаси иштроқ қилиб бўлганига қадар давом эттирилди.

ЧАНКАЙИШЧИ ИҶВОГАРЛИНИНГ АДАБИ БЕРИЛДИ

ПЕКИН, 26 август. (ТАСС). Синхуа агентлиги хабар беради: чанкайишчиларнинг асли Америкада ушбу чиқарилган реактив самолётларидан 8 таси 25 август соат 17-17 минутда ивоқдорлик ҳаракатлари қилиш мақсадида Хитой Халқ Республикасининг Вэйтоу ва Чжанчжоу районлари устига бостириб олиб келди. Хитой халқ озодлик армияси ҳарбий ҳаво кучларининг самолётлари дарҳол душман самолётларини билан жанг қилиб, бу самолётлардан бирини уриб туширди. Душманнинг бу урилган самолёти Вэйтоунинг 8 миля шарқи — жанубидаги денгизга йиқилиб тушди.

ЎРНАК ОЛСА АРЗИЙДИ



Тошкент тўқимачилик комбинати ақинидаги «Стаханов» кўчасида қад кўтариб турган хашаматли уй-жой бинолари қаторига жойлашган 7-оқик-оқат магазинига кирганимиз? Бу ердоим харидорлар билан ражум бўлади. Ошпоқ халат кийиб олган сотувчиларнинг чаққон ҳаракати ва ҳушмуомияси ҳамма-ни ҳам хурсанд қилади. Бу магазинга ўртоқ Хурулла Муҳамедов мудирлик қилади.

Муҳамедов, 11 йилдан буюн шу вазифада. Магазин атрофида шовчи аҳолига, тўқимачилик комбинатининг иши ва хизматчиларига хизмат қилади. Улар Муҳамедов раҳбар бўлган магазини ходимларининг намунали хизматидан жуда мамнуңдилар.

Магазинда бир неча бўлим бор, товарлар ассортименти хилма-хил. Ушбеб сотувчи харидорлар хизматнда. Буларнинг кўпчилиги комсомол ёшлар, махсус савдо билмига эга бўлган ходимлар. «Совет савдосининг аъло сотувчиси» эвлочигини таъбир олган етарли сотувчи Х. Шобқубов, сотувчилардан А. Жўраев, Н. Ратникова, Х. Муҳитдинов, М. Тихман ва Ш. Ҳожижодоевлар энг яхши савдо ходимлари ҳисобланади. Нон бўлимида ишлаган Исроилов эса савдо соҳасида 30 йиллик тажрибага эга.

Муҳамедов бошлиқ магазини коллективга бир неча марта Узебистон ССР Савдо министрлигининг пул муҳофоти, ташаккурномаи ҳамда Фрунзе «Райишчеторг»нинг Фахрий ёрликлари билан тақдирланди. Бу аҳид, ишчан коллектив 1957 йилдан буюн «Райишчеторг»нинг кўмаги Қиёил байроғини кўла сақлаб келмоқда. Улардан бошқа савдо ходимлари ўрнак ола арзийди.

Сурагда. Магазини мудир Х. Муҳамедов (ўнгдан иккинчи) ходимлар билан бир кунлик савдо ишнини ақунламоқда. В. Панов фотоси.

ФИЗКУЛЬТУРА ВА СПОРТ

Тошкент область қишлоқ физкультурачилари спартакиадада голиб чиқдилар

«Пахтакор» кўнгилли спорт жамияти қишлоқ физкультурачиларининг IV Республика спартакиадаси беш кун давом этди. Мусобақаларда энг кучли спортчилардан 800 киши қатнашди.

Спартакиада мусобаклари жуда қизғин нураш вазиятида ўтди. Тошкент области командалари энгил ва огир атлетика бўйича голиб чиқдилар.

Умумиомлади ҳисобида ҳам Тошкент области спортчилари биринчи ўрнини эгалладилар. Фарғоналиклар иккинчи ўрнини, Бухоро области спортчилари учинчи ўрнини олдилар.

ЎИИН ЯНА ДУРАНГ БУЛДИ

«Пахтакор» командаси 27 август кунин ўз майдонда «Локомотив» (Челябинск) командасини қабул қилди. Бутун ўйин давомида қандай кураш бўлмади. Гарчи тошкентликлар ўйиннинг биринчи ярмида ташаббусни қўлага олиб, ҳисоби олдин ошига муваффақ бўдилар ҳам, кейинчалик ана шу муваффақиятни мустаҳкамлай олмадилар. Уларнинг ҳимоятчилари ҳар галигдек ушшоқлик билан ўйнаб, ўз дарвозаларини қатъий туриб ҳимоя қилдилар. Кўчумчилар эса асқина яқин ўйнамадилар, тўғри бир-бирларига аниқ узата билмадилар. Кўп қийинчилик билан дарвоза олдига олиб борилган тўп дарвозага эмас, балки унинг ёни томонига эки устиди ошириб тегилаберди.

Ўйиннинг иккинчи ярмида меҳмонлар анча актив ўйнадилар ва ҳисобни бараварлаштиришга эришдилар. Шундай қилиб «Пахтакор» командаси бу сафар ҳам галаба қозона олмай, ўйинни дуранг қилди.

Редактор З. ЕСЕНБОВЕВ.

Телевидор Экраннда 29 АВГУСТ 19.00. Бадийий фильм — «Азиз докторимиз». 20.30 Навоий номи опера ва баяет театридан концерт олиб кўрсатилди.

„Америка қадами руслар қадамидан икки барабар қисқа“

Социализм ва капитализмнинг иқтисодий муносабати тўғрисида буржуа матбуотининг филрилади

АҚШ конгресси атайин ташкил атган «қудрат комиссияси» ва америкада чиқадиган қўшма газеталар, журналлар, илмий ташкилотлар Совет Иттифоқи билан Қўшма Штатларнинг ҳозирги аҳоли ва ақриқол тутилган кедажанин таққосладилар ва баҳо бердилар. Картье ҳам шу йўлдан бориб ўз мақола-сида АҚШ адресига махтовлар айтди ва Советларга қарши асоссиз гаплари тўғрилади. У, Америка ва Совет далалари, дарёлари, тоғлари ҳақида гапириб шундай «хулосага келди: «Америка Геркулес бўлса, СССР — Атласдир». Шундан кейин у Совет Иттифоқи ва АҚШ даги минимал ва максимал температура тўғрисида, аҳоли ва унинг иши билан машғулиги тўғрисида, энергетика ресурслари, мавжуд металллар, нефть, саноатнинг ялли махсулоти ва ҳоказолар ҳақида кетма-кет рақамлар келтирди.

— Икки буюк давлат ўртасидаги кечги чекис, бугунги алғачина тофовут қамайиб бормоқда. Бу ишонят тарихдаги энг муҳим ўғаришлардан биридир, — деб ёзди Картье.

Урушдан Америка зарар кўрмасдан, Россия эса вайрон бўлиб чиқди, деб давом этди. Картье, Япон сув ости кемасидан отилган кичик

атавчи мутахассиси Бернер фон Брауннинг фикрида ҳам ана шу ҳовотриди фикрлар ақс этган. Браун «Фай-2» ни конструкция қилган собик гитлерчилар. Браун шунга ҳафа бўладики, Қўшма Штатлар Совет давлатининг тақдиқот, техникани ривожлантириш ва ишлаб чиқариш соҳасидаги имкониятларини «реалистик тарзда баҳолайомайди».

Руслар, деди Браун, фан ва техника соҳасида ўзларининг устуи бўлишлари таъминлаш учун динамик программани амалга оширишга алақачоноқ киришдилар. Уларнинг таълим системаси бизга нисбатан кўп-роқ миқорда маълумоти инженер ва олимлар етиштириб чиқармоқда. Улар ўз ишлари мамлакатимиздаги кўпгина кишилар йўлданкек асридаги бир қанча чет эл олимларининг талантига ёки билим учқунларига таяниб эмас, балки ҳали айтилган кенг негизга таяниб олиб бормоқдалар. Браун Совет Иттифоқининг буян 15-20 йил илгариги техника тараққийети даражасини эса олиб жуذا ҳафозонлик билан бундай дейди: «Уларнинг тараққийети суръати билиннг тараққийети суръатимиздан анча ошдиғлиги жуذا равшан бўлиб қолмоқда».

Жаҳон социалистик системасида Совет Иттифоқининг яқка ўзи ана шундай муваффақиятларга эришадигани йўқ. Улуз Хитой халқи катта галабаларга эриши, Европалаги социалистик мамлакатлар ҳам катта муваффақиятларни қўла киритмоқдалар. Буларнинг ҳаммаси бутун социализм лагерининг янада тезроқ олға ҳаракат қилиши учун ажойиб истиқбол очиб беради. Душманларимиз ҳам бунини таи олишга мажбур бўлмоқдалар. «15 йилдан кейин, — деб ёзди Америкада чиқадиган «Ньюсуик» журнали, — совет блок ишлаб чиқаришининг умумий ҳажми Гарб дунёсига ишлаб чиқариш ҳажми билан тенглашиб қилиши мумкин». Ҳа, тенглашиб қолишига эмас, балки анча ўзиб кетиши ҳам мумкин!

Американинг ракетаалар бўйича

Яқинда бир рақам жуذا огир таассурот қолдирди. Март ойида Совет Иттифоқида 5.100.000 тонна пулат эритилган. Бу эса Америкада эритилган пулатнинг 80 процентига тўғри келди.

1950 йилдан 1955 йилгача, дейилади мақоладан охирида, Совет экономикаси йилига 13,1 процентдан ошди. Рокфеллер фонининг маълумотларига қараганда, Американин ҳозирги сурати ҳатто илгарики нормал тараққийетини таъминлаш учун зарур даражадан ҳам камдир... Америка қадами руслар қадамидан икки барабар қисқарди.

Американинг ракетаалар бўйича